

ISLAMONLINE.UZ

TAVORIX

Тарих





Туркистонда мактаб, жарида
ва уламо





«ОЙИНА»: Эшон кози хазратларини мактаб, жарида ва «Ойина» мухаррири хакидаги сўзлари ажойибдур. Чунончи мусулмон мажлисларинда мактаб бидъат ва «Ойина»нинг мухаррири русларни яхши деб ёзгувчи ва халкни руслаштиргувчи мухарраби дин деб, шикоят киладурлар. Хукуматга бўлса, мактаб ва газетчилар хукумат, халойикга сўзлагувчи, ҳам хорижияга боргувчи ва одам юборгувчидур ва аларни... килмок керак деганлари маълумдур. Бу сўзларни Самаркандни(нг) катта уламо козиларидан мухтарам бир киши катта мажлисларга ва хукуматга сўйлаганлари учун тубандаги сўзларни юз биринчи дафъа ёзармиз:

«Ойина» мухаррирининг маслаги ўн санадан зиёда бир муддатдан бери жарида ва рисоаларга ёзган маколалари илан ҳукуматга ва бутун халойикга маълумдур. Кози хазратлари «Ойина» мухарририга икки нимарсани нисбат берурларки, кайфияти юкорига ёзилди. Аммо иккисида, ваҳмий сўзлардур. Биз халкни русий ва насоро килмокчи эмас ва дини мубин исломни хароб килдурмокчи эмас, балки мухтарам ахли динимизни моддатан тараккий эттирмоги ва дини шарифимизга маҳкам туруб Русияда яшамокчимиз. Русиянинг граждани, илм ва ҳуқуқлик чин таъъаси бўлуб ва руслардан кочмай, балки кўл-кўлга бериб, Русия ватанига билфеъл шарик бўлуб, тараккий килмок ва Русия давлатининг мансабларига мустахик килатурган, Русиянинг илм ва фани, замоний ўқутатурган мактабларига ружуъ килмокга мухтарам хамватанларимизни даъват ва ташвиқ этгувчи бир кишимиз. Муни ўн санадан зиёда бир муддатдан бери ёздук ва яна умримизни охиригача ёзармиз ва ҳам ёзганларимизга амал этмокга бўлуб, ўз ўғлимиздин бошладукки, бу кун халқ ўртасинда кофир ва ўрус килгучиликга, мухарраби динликига исм чиқариб, боламизни рус гимназиясинда ўкутуб турубмиз. Келайлук кукуматга муҳолиф сўзламокга ва Истамбул сафарига. Туркистон ёшлари эскиларни фикр ва манъига рагман рус илм ва фунунига, маданият ва хунарига кундан-кун мойил бўлмокдадурлар ва бу майлоннинг олдини оладурган кувват йўқ ва Русия зарарига алардан бу кунгача бир шай зоҳир бўлган йўқдур. Истамбулга борганимиз маҳфий эмас, балки нукта-банукта «Ойина»да ёзилиб турубдур. Агарда истамбуллик бўлмокни хоҳласайдук, кетардук ва ё болаларимизни анда ўкутардукки, мунга монё конуни русий йўқдур.

Холбуки, Истамбулга ўкуган ила бир зарари мушоҳада килинмайдур, балки турклар дерларки: «Русия муаззам ва мухтарам бир давлатдур. Илм ва фани ҳам маданиятидан касб этсангиз, бизда онинг ила дўст бўлмокчи ва Русияга талабалар юбормокчимиз». Ал-он Русияга душманлар харб этар экан, биз Русия мусулмонлари иттифок бўлмай, бир-биримизни ҳукуматга саоят этиб, халқ аросинда душманлик ва тафрика солмокга саяъ этармиз.

Хулоса, биз мусулмонлар, душманларимизни кулдуруб, дўстларимизни йиглататурган бир холдамиз. Оллох барчамизга инсоф ва басират берсун!

Махмудхўжа «Ойина» 1914 йил, 23 август, №44